



O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI

2018-YIL 26-IYUL
PAYSHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

87
(16244)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Саттимизга ўтти учун СВ-коднинг
телефонингизга ордери сканер қилинг.



MUNOSABAT

ЭНДИ ШИФО ИЗЛАБ ХОРИЖГА БОРМАЙМИЗ

Одатда дастурхон устида юрт тинчлигию тан сихатлигини сўраб дуо қилинади. Бу бежиз эмас. Ахир, тўрт мучанг соғ бўлса, ишинг ҳам бароридан келади, ҳаётинг гўзаллашади, яшашга иштиқинг ортади.

Аммо иссиқ жонмиз. Ногоҳон тобимиз қочиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунда, албатта, малакали тиббий ёрдамга эҳтиёж сезамиз.

Маълумотларга қараганда, юртимизда нефрологик ва гемодиализ касалликлари авж олмоқда. Орол фожиаси оқибатида шимолий ўлкаларда бу хасталикларга чалиниш ҳолатлари, айниқса, юқори. Яширишнинг ҳолати йўқ, йиллар давомида соҳага етарлича эътибор қаратилмай келингани вазиятнинг шу қадар илдиришига сабаб бўлди.

— Реал аҳволни ўрганиш мақсадида январь-февраль ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида бўлди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Мухаррам Дадаҳужаева. — Натижа хавотирли: сурункали

буйрак етишмовчилигига чалинган беморлар сони ҳар йили 20-25 фоизга ортмоқда. Бу ҳам етмаганидек, республика тиббий муассасаларида гемодиализ муолажасини ўтказиш учун ўринлар етарли эмас. Шифохоналардаги тегишли бўлимларнинг ярмидан кўпи мослаштирилмаган хоналарда фаолият кўрсатаётгани ҳам кўнглимизни гаш қилди. Бундан ташқари, соҳа учун тиббий мутахассисларни тайёрлашга доир ягона дастур ишлаб чиқилмаган. Бу эса, малакали кадрлар танқислигига олиб келмоқда.

Юқоридagi муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2018 йил 12 июлда давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Илгари юртошларимиз буйрак кўчириб ўтказиш учун чет эл клиникаларига мурожаат этишга мажбур эди. Табиийки, бунинг харажати кўп, ҳаммагинг ҳам

қурби етмайди. Эндиликда муаммога оқилона ечим топилди. Президент қарорига қўра, Тошкент шаҳар нефрология шифохониси негизида Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилади. Ихтисослашув бор жойда сифат юқорилик бўлишини инобатга олсак, бу жуда пухта ўйланган тадбирдир.

Қарорда кадрлар масаласига ҳам урғу берилган. Яъни, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси кафедрасини, шунингдек, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб магистратура ва клиник ординатурада "нефрология" ва "болалар нефрологияси" деган янги мутахассисликларни очиб қўзда тутиляпти.

Яна бир муҳим гап: бундан буён таълим жараёнига хориждан ҳам мутахассислар фаол жалб қилинади. Шу йўл билан малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни аста-секин қондириш мумкин.

Нозима МИЯССАРОВА

ЁШЛАР МАРКАЗИ ЯНГИ ҚИЁФАДА



Алишер ИСРОИЛОВ оқган суратлар.

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар маркази биносини капитал таъмирлаш ишлари қизгин давом этмоқда. "МКК-7" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига корхонанинг 80 га яқин уста-қурувчиси жалб этилган.

— Лойиҳанинг умумий қиймати 7 миллиард

сўмдан ортқ, — дейди "МКК-7" МЧЖ иш бошқарувчиси Аслидин Омонов. — Ҳозирга қадар белгиланган ишларнинг 90 фоизини бажариб бўлди. Айни пайтда пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ёшлар марказидаги асосий ўзгаришлар унинг ташқи қиёфасида намоён бўлади. Марказнинг катта

мажлислар зали ҳам бутунлай янгиланяпти. 100 ўринли кичик мажлислар зали давра сўхбатлари ўтказишга мўлжалланган.

Марказда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгаши ва унинг қошида ташкил этиладиган тўғараклар фаолият юритади.

ЎЗА

ITTIFOQ KAFILLIGI OSTIDA



ҚИЛМИШИДАН МИНГ ПУШАЙМОН

Беайб — парвардигор. Инсон эса, хато қилиши, адашиши мумкин.

Аммо бағрикенг халқмиз. Асрлар давомида фарзандларимизга йиқилганни суя, муҳтожа ёрдам қўлини чўз, дея тарбия бериб келяпмиз. Бундай инсоний муносабат жамият доирасига ҳам кўчган. Бугун давлатимиз билмай жиноят содир этган ёшларни афв этиб, ҳуқуқ-атворини ўнглаб олишига имкон бераётгани фикримизни яққол исботлайди.

Учқўрғонлик Мусо Нурдинов, Мухаммадали Фазлидинов, Фурқатбек Абдужабборов, Жавоҳир Жўраев ва Азизбек Ҳамидов бир фирбгарнинг ёлгонларига учиб, жиноят кўчасига кирди. Осон пул топиш истаги бу йигитларнинг бошини айлантириб қўйди. Улар рангли металлларни ноқонуний тарзда мамлакатдан олиб чиқиб кетаётганида чегара ходимлари томонидан ушланди. Энди қадамимни ўйлаб босаман. Нимаики мақсадим бўлса, барига фақат тўғри йўл билан эришишга ҳаракат қиламан!

Ҳусанбой ПОШШОХОНОВ

XALQ BILAN MULOQOT

ШОДИБЕКОВЛАР ОИЛАСИ ШОДЛИГИНИНГ БОИСИ

2007 йил, 11 февраль. Олмалик Шодибековлар оиласи бошига оғир мусибат тушди. Ёш оила соҳиби Саидвали автоҳалокатга учраб, тўшаққа миҳланди.

— Ижарага уй олиб, алоҳида рўзгор сифатида катта ховлидан ажраб чиққан пайтларимиз эди, — деб эслади хонадон соҳибаси Барно Шодибекова. — Не-не орзу-умидларимиз бор эди! Улар қуриб, тўйлар қилмоқчи эдик. Уша муҳтож воқеа сабаб барчаси саробга айланганди гўё. Ахир, турмуш ўртоғим 1 гуруҳ ноғирони, алоҳида парваршига муҳтож бўлиб қолган эди-да. Энди тақдирнинг бу оғир синови, яна рўзгор ташвишларидан ортиб уй қуриш — бу ширин туш, ушалмас орзудек туюларди.

11 йил. Баъзан ҳаётнинг оғир синови кўнларни қаршида бир соат ҳам кўплек туюлади. Аммо Барно Шодибекова мана шу узок вақт мобайнида метин иродаси билан тақдирнинг аччиқ синовларини енга олди. Рўзгор ташвишларидан ортиб, турмуш ўртоғига қаради, икки фарзандини оқ ювиб, оқ таради.

— Қизимиз Дилнураҳон

3 ёшда, ўғлимиз Умиджон эса, 8 ёшда, — дейди Б.Шодибекова. — Умиджоннинг кўп нарсасига ақли етиб қолган. Баъзан унинг саволлари қаршисида шу қадар оғир қолардимки, ўзим ишонмай қўйган орзуларимга уни ишонтириб, юпатар эдим.

Бир сафар телевизорда алақандай хоржик фильми намойиш қилинди. Умиджон ўйсиз, кўчада яшайдиганлар ҳаёти акс этган сахнани томоша қилар экан, сўради:

— Ойи, улар кимлар?
— Уй-жойи йўқлар.
— Нима, ишлаб пул топиб, уй олса бўлмайди?
— Уларнинг на уй-жойи, на бир тайинли иши бор.
— Бизга ўхшаб-а?
— Йўқ, биз уларга ўхшамаямиз. Устимиз бут, қорнимиз тўқ, кўчада ҳам қолганимиз йўқ.
— Барибир, уйимиз ҳам, сизнинг тайинли бир ишингиз ҳам йўқ-ку?
— ...
Айни пайтда Б.Шодибекова ва оиласи учун буларнинг барчаси тарихга, шукроналик келтирувчи хотираларга айланди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакат-

мизда Шодибековлар сингари оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, уй-жой билан таъминлаш борасида бошланган олимжаноб ҳаракатлардан мазкур оила ҳам баҳраманд бўлди. Утган ой Тошкент вилоятидаги 53 оила қаторида Шодибековлар оиласига ҳам Олмалик шаҳридан барча қўлайликларга эга бўлган уйлardan бири топширилди.

— Бир пайтлар ўйсиз, тайинли бир ишсиз ноилож аҳволда қолган эдик, — дейди Б.Шодибекова. — Буниси ҳам камдек, 2 йил бурун турмуш ўртоғимнинг кўзи қўрмай қолди. Шукрки, аввалга яхшилар кўмағида ҳўжайинимнинг кўзларини операция қилдирик. Кўзлари яна қўра бошлади. Ўз уйимда бошимиздан ўтганларни бир-бир хаёдан ўтказар эканман, Президентимизга кўзларимда ёш билан миннатдорлик билдираман. Юқорида айтганим кинони бир эсланг. У кино, бу эса менинг, оиламнинг ҳаёти. Давлат раҳбари юрда шундай инсонлар бўлиши мумкинлигини билиб, уларни излаб топтириб, уй берса замонавий шароитлари билан! Ахир, буннақиси қайси хоржик фильмда бор? Ҳеч қайсида йўқ. Бўлмайди ҳам. Уйимизнинг ёнгинасидан тикувчилик чеки ташкил этилиб, у ерга мени ҳам ишга қабул қилишди. Энди доимий ишим бор. Умиджоннинг хурсандчилигини бир кўрсангиз эди...

(Давоми 2-саҳифада)

ЁШЛАР КУТУБХОНАЛАРИ Фойдаланишга топширилди



2

ТОРТҚИЛАНАЁТГАН АРАВА манзилига қачон етади?



3

ДАРЁ



4

MULOHAZA

ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ МАКТАБДАН ОЛДИН БОШЛанади...МИ?

Ўғлим мактабгача таълим муассасасининг тайёрлов босқичига ўтгач, чамаси бир ойлар ўтиб машғулотларни кузатиш учун гуруҳга бордим. Тушдан кейинги машғулот вақтида 28 боладан 8 уйл-қиз утирган эди.

— Бошқалар қани, — қизикиб сўрадим.

— «Почемучкада», — деди тарбиячи.

— Ахир бу тайёрлов гуруҳи-ку, ҳамма машғулот ўтилмайди?
— Ўтамиз, лекин ота-оналар фарзандининг яна қўшимча машғулотларга боришини хоҳлайди.

Бу бироз тушунарсиз ҳолат. Шундоғам болалар қўшимча машғулот ўтиши, мактабга тайёргарлик қўриши керак бўлган тайёрлов гуруҳида бўлса-ю, ота-оналар яна қаргадир ортиқча пул тўлаб фарзандларини дарсга берса.

муассасаси мудираси Гулруҳ Аҳророва. — 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган ҳамма болаларни МТМга қамраш учун ҳудудларда мактабгача таълим муассасалари етарли эмаслиги сабабли хусусий мактабгача таълим муассасалари, қисқа муддатли гуруҳлар ва 0-синфлар ташкил этилмоқда, 6 ёшли болалар рўйхати шакллантирилмоқда. Шу билан бир қаторда, ҳудудларда «Почемучка» номи ривожлантирувчи гуруҳ машғулоти ҳам болаларнинг сифатли таълим олишида қўл келмоқда. Фарзандлари билан уйда ўтирадиган уй бекалари учун бу гуруҳдаги машқлар маъқул бўлмоқда. «Почемучка» нафақат болалар, балки оналарнинг ҳам педагогик, психологик билимларини ривожлантириб, машғулот мобайнида ва уй шароитида давомий шугулланиши талаб этади. Бу курсларда турли йўналишлар, ноанъанавий дастурлар орқали болага индивидуал ёндашилган ҳолда машғулот олиб борилади. Унинг яна бир қўлайлиги кўннинг ота-оналар учун қўлай соатларда ташкиллаштирилганидир.

Буни қарангки, хусусий таълим марказларида ҳам таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагоглар дарс ўтади. Давлат томонидан таълим муассасалари учун барча шароит яратилмоқда. Бу жараёнда ҳормийлик ёрдами кўрсатаётган ота-оналар ҳам талайгина. Шунда ҳам фарзандларимизни қўшимча дарсга олиб боришни қандай изоҳлаш мумкин? Бу педагогларимиз, тарбиячиларимизнинг касбий масъулияти билан боғлиқ эмасмикин?

— Оилада ўзбекча гаплашамиз, шунинг учун болаларим она тилимизни шундоғам ўрганиб олади, — дейди Дилрабо Ҳалимова. — Аммо ўғлим 5 ёшдан буён боғчадан ташқари «Почемучка»га боради. Ҳозир ўзбекча ҳарфлардан қўра русча ҳарфларни яхши танийди.

— Мактабда рус синфга қўясизми? — дейман қизикиб.

— Йўқ, ўрганиб қўяверсин дедим. Ўзбекча ўқитиш энди мактабдаги ўқитувчисига қолди.

Бу қай даражада тўғри? Мактабгача таълим муассасасида ўзбек гуруҳида тарбияланаётган бола, икки йил рус тилида педагог қўлида русчани ўрганади. Кейин ўзбек синфига боради. Ҳўш, бу боланинг онгига қандай таъсир кўрсатади?

(Давоми 2-саҳифада)

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



“ССТV 6” ДАН
УНУТИЛМАС ПРЕМЬЕРА

Хитойнинг 800 миллион кишилик томошабинлар аудиториясига эга “ССТV 6” телеканали “Ўзбекистон тарихига назар ёхуд Буюк ипак йўли тақдироти” деб номланган ҳужжатли фильмнинг биринчи қисмини эфирга узатди.

Фильм таниқли тележурналист Ван Нинтун бошчилигидаги ижодий гуруҳ томонидан тайёрланган. Унда юртимизнинг кўхна ва шонли тарихи, бой маданий мероси ҳақида сўз юритилади. Муаллиф бугунги Ўзбекистон Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек сингарни

кўпдан-кўп буюк алломаю мутафаккир зотларга бешик бўлганини эътироф этади. Шунингдек, Буюк ипак йўли тарихи хусусида сўз юритилиб, унинг ривожига кўхна ва ҳамийша навқирон Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз, Тошкент сингарни шаҳарлар жуда муҳим ўрин тутгани қайд этилади.

ҒАРБ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ
ИСЛОҲОТЛАРГА
БАҲО БЕРДИ

Хавфсизлик ва ривожланиш сиёсати институти (Швеция) ўз веб-сайтида “Ўзбекистонда дин ва дунёвий давлат” деб номланган илмий мақолани жойлаштирди. Унда давлатимизнинг маънавий ва диний соҳалардаги ислоҳотлари таҳлил қилинган.

АҚШнинг Ташқи сиёсат кенгаши қўшидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти экспертлари билан ҳаммуаллифликда тайёрланган материалда давлат ва дин ҳамкорлиги Ўзбекистоннинг 2016 йил декабрда сайланган янги Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнининг узвий қисмига айлангани қайд этилади. Муаллифлар, шунингдек, собиқ совет тузумининг оғриқли асоратларини мерос қилиб олган Ўзбекистон мустақил-

лик даврида дунёвий давлатга айланибгина қолмай, четдан кириб келаётган диний-мафқуравий таъсирларга ҳам қарши кураша олаётганини эътироф этган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Шавкат Мирзиёев диний масаладаги сиёсатни қайта кўриб чиққан ҳолда, мамлакатда бағрикенглик ғояларига асосланган исломий анъаналарни қарор топтириш ва бутун Марказий Осиё минтақасида ислом маърифатини кенг ёйишга эътибор қаратмоқда.

“DIPLOMAT MAGAZINE” ДАН
ОПТИМИСТИК БАШОРАТ

Нидерландияда чоп этилаётган “Diplomat Magazine” журнали юртимиз сайёҳлик салоҳияти ва ушбу йўналишдаги истиқболларимиз ҳақидаги мақолани эълон қилди.

Нашрнинг таъкидлашича, Ўзбекистон нафақат сиёсий, иқтисодий ва маданий, балки туризм соҳасида ҳам юксалишнинг янги погонасига кўтаришган. Айни вақтда мамлакат сайёҳларга маданий, маърифий, этник, экологик, рекреацион ва ишбилармон туризм турларини тақлиф эта олади. Муаллифлар Ўзбекистонда замонавий меҳмонхоналар

билан бир қаторда, чўлу даштлардаги маҳаллий туражойлар, анъанавий ўтовлар ҳамда тоғларда ўрнатилган палаткали лагерларда ҳам мириқиб дам олиш мумкинлигини ёзади. Бундан ташқари, фаол ҳаёт тарзи ихлосмандлари учун қиш мавсумида тоғ чанғи йўли, энг довурақлар учун эса, тоғдан вертолётда тушишдек завқли имкониятлар тақдим этилмоқда.

“TRADE & INVEST” НИНГ
ЭЪТИРОФИ

Германиялик эксперт-таҳлилчилар ҳам Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга эътиборсиз эмас. Мана масалан, яқинда “Trade & Invest” иқтисодий ривожланиш федерал агентлиги (GTAI) веб-сайтида шунга оид таҳлилий мақола эълон қилинди.

Муаллифлар сўнги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида жиддий ўзгаришлар рўй бергани ҳамда либераллашув жараёни шиддатли кечаётганига урғу қаратган. Мақолада ёзилшича, ички бозорда амалга оширилган структуравий ислоҳотлар

буни яққол исботлайди. Келгусида ҳам мамлакат бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш, бюрократияни бартараф этиш, солиқ юқини камайитириш ҳамда ҳуқуқий шаффофлик йўлидаги саяёҳаракатларини давом эттиради.


“Дунё” АА материаллари асосида тайёрланди.

TASHABBUS

Ҳасан УСМОНОВ

Бирни Чилонзор туманидаги “Яккабоғ” маҳалласида жойлашган. У “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши саяёҳаракати билан ташкил этилди. Кутубхонада ўзбек ва жаҳон адабиётининг 250 дан зиёд дурдона намунаси жамланган.

Ўттиз ўринли ўқув зали, интернет тармоғига уланган замонавий компьютерлар китобхоналар хизматидага шай. Энди маҳалла аҳли, айниқса, ёшлар бу ерга келиб, маънавий оламни бойитиши, янги маълумотлар олиши мумкин. — Иттифоқчиларнинг хайрли амали барчамизни қувонтирди, — дейди меҳнат фахрийси Обиджон Ғулмов. — Зотан, фарзандларимиз илмга чанқок бўлиб ўсса, юрт равнақ топади. Бундай зиё масканлари кўпайишини истардим. Шунда жамиятда мутолаа маданияти ҳам ошади.



ЁШЛАР КУТУБХОНАЛАРИ
Фойдаланишга топширилди

Саодат БОБОЁРОВА

Ёшлар иттифоқининг Навоий кон-металлургия комбинатидаги бошланғич ташкилоти ташаббуси билан қорхонанинг Темир йўл транспорти бошқармасида ҳам Ёшлар кутубхонаси очилди. Бу ерда олти юздан ортиқ иқтисодий-иқтисодий, баъний ва транспорт соҳасига оид адабиёт мавжуд. Барчасини ишчи-ходимларнинг ўзлари тўплагани, айниқса, эътиборлидир.

Бундан ташқари кутубхона фондида тўққиз юздан ортиқ матбуот нашрининг электрон нусхаларини топиш мумкин. — Ташаббусимиз ходимларга манзур бўлди, — дейди бошқарма бошлиғи Ҳасан Воҳидов. — Айниқса, илмий-техник адабиётлар уларнинг касбий фаолиятида асқатиши аниқ. Ҳар қандай инсон, касб-коридан қатъи назар, маънавий оламни бойитиши ҳамда мунтазам равишда китоб мутолаа қилиши зарур.

SENING TENGDOSHING

Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА



Алишер Ҳамроев Эликқалъа туманидаги Ақчақул касб-ҳунар коллежини татомладию, ўзини тадбиркорликка ўрди. Ўғри-да, юртимизда ушбу соҳага эътибор йил сайин ортмоқда. Ёшларга яратилаётган имтиёзу имкониятларни айтмайсизми.

НАВБАТ НОНВОЙХОНАГА

Шундай қилиб, 2006 йилда тенгдошимиз умумий овқатланиш шохобчасини очди. Ишининг кўзини биладиганлардан маслаҳат сўраб, бизнесда аста-секин юксалиб борди. Ҳозир унинг ошхонаси тумандаги фазли манзиллардан бирига айланган. Хизмат кўрсатиш сифати мижозларга жудаям маъқул.

Аммо Алишер ғайрати ичига сиемас йигитлардан. Яқинда ёш тадбиркор маҳаллий аҳолига нафти тегадиган яна бир истиқболли лойиҳага қўл ўрди. Ёшлар

иттифоқи кўмағида банкдан 100 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, нон пишириш учун зарур ускуналар харид қилди. Келгусида у янги цехни ишга тушириб, олти нафар ёшни иш билан таъминламоқчи.

Ҳадемай, Эликқалъада ёзининг жазирасига қишининг чилласига қарамай лешона терини тўкиб, ҳалол меҳнати орқали халқимиз дастурхонини азиз неъмат билан тўлдирётган новвойлар сони яна биттага кўпайса, ажаб эмас.

ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ
МАКТАБДАН ОЛДИН
БОШЛАНАДИ...МИ?

(Бошланиши 1-саҳифада)

— Аввал бир тилда машғулотларга бориб, кейин бошқа тилда биринчи синфга келадиан ўқувчи анча қийналади, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 256-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Шаҳло Ихлосова. — Агар ота-она ва ўқитувчи биргаликда ҳаракат қилмаса ёзувда, талаффузда камчиликлар қолиб кетади. Ҳамкорликда ишланса 5-6 ойда натижасини кўрсатади. Аммо катталарга болани турли машқларга чалғитишни маслаҳат бермаган бўлардим. Унинг онги, қарашлари, тафаккурини ҳисобга олиш керак. Боланинг зехни ўткир, деб ҳамма нарсага жалб қилиб, уни қийнаш яхшимас.

Ана сизга таълим-тарбия жараёнидаги яна бир хато. Сўнги йилларда 6-7 ёшли ўғил-қизларни 0-синфда ўқитишлар авж олди. Бу мактаб директори ва ўқитувчиларнинг ота-оналар талабига

кўра ўқитишни ташкил этиши билан боғлиқ. Қувонарли, албатта. Фарзандларимиз учун яратилаётган шарт-шароитлар кундан-кун яхшиланмоқда. Мактабга таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, қўшимча ўқув курслари дейсизми, ҳаммасида қулайликлар, имкониятлар бор. Аммо бир кунда икки соатлик дарс учун 8 мингдан 12 минггача тўлайсиз. На-тижа яхши. Фарзандингиз биринчи синфда ўқитилиши керак бўлган барча маълумотларга шу дарсларнинг ўзидаёқ эга бўлади.

Шу ўринда савол туғилади. Унда болалар 1-синфда нимани ўрганади?

Бу савол билан қайсики бошланғич синф ўқитувчисига мурожаат қилсак, улар бу гўё такрорлаш, енгил машғулот бўлади, деб жавоб бермоқда. Юртимизда бола 7 ёшдан бошлаб мактаб таълимини бошлаши лозимлиги белгилаб қўйилган. Меъёрий ҳужжатларда ҳам бу борада-

ги талаблар баён қилинган.

Педагоглар болани кўпроқ уйлаётганини эътироф этиш жоиздир, балки. Чунки унинг билимлар базасидаги маълумотларни такрорлаши, мустаҳкамлаши яхши эканини тушунади. Аммо... Ҳамма ҳам 0-синфда фарзандини ўқитишга қодир эмас. Иқтисодий имконияти етса-да, боласини бундай гуруҳларга беролмаётган ота-оналар бор. Ана шундай болалар 1-синфга чиққанида ўз тенгдошлари қаторида бўлмаслиги, улар қаби ўқиб, ёзолмаслиги маълум-ку. Хуш, унда педагог нима қилади? Яхши ўқий олмаётган ўқувчи билан банд бўлиб, бу мавзунини ўрганиб бўлган ўқувчини эътиборсиз қолдириши мумкин эмасми? Бошқалардан олдин аллақачон ўрганиб бўлган бола вазифасини жароиб бўлгач зеркиб қолмайми?

Юртимизда кейинги йилларда мактабга таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Уйлаймики, тарбиячилар ва педагогларга қўйилаётган талаблар натижасида ўғил-қизларимиз учун алоҳида курсларга бўлган эътиёж қисқаради. Шунда фарзандларимиз ушбу муассасадан умумтаълим мактабининг 1-синфига керакли даражадаги билимларни ўрганиб чиқади.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

ОЛАМАН ДЕГАНЛАР КЎП

Диққош НАВРЎЗОВА



Навоий вилояти ҳокими Қобил Турсунов ёшлар билан очиқ мулоқотлар ўтказмоқда

ШОДИБЕКОВЛАР ОИЛАСИ
ШОДЛИГИНИНГ БОИСИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ҳа, айтгандек, Олмалик шаҳри қувонч кўз ёшларига чўмган уша кун Саидвали ва Барно Шодибековлар пойтахтда бўлгани сабабли 2 хонали уй қалити Умиджонга топширилди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитасидан маълум қилишларича, жорий йил оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган, ногиронлиги, уй-жойга муҳтож бўлган 225 оилага уй бериш режалаштирилган, айни пайтга қадар ана шундай тоифадаги 67 оила ушбу тоифадаги бўлинмадан ҳамимланган. Ушбу тоифадаги аҳолининг қарийб 2 минг нафарига вилоят ва республика тиббий муассасаларида даволаниш учун йўлланмалар тақдим этилган. Шунингдек, 127 ногиронлик арачаси, 88 тикув машинаси, 1043 телевизор ва бошқа тиббий ҳамда маиший техника берилган.

Тарих гувоҳ, қанча-қанча ташаббусларни ташаббускорларидан бошқа ҳеч ким бил-

майд. Бугун улар архивларни тўлдириб, чанг босиб ётгани ҳам айна ҳақиқат. Аммо шундай ташаббуслар борки, минглаб, миллионлаб инсонлар тақдирини ўзгартириб юборади, уларни ҳамма қатори ҳаёт қувончларидан баҳраманд этади. Бундай ташаббуслар унутимайди, унутиб-да бўлмайди.

Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳам Шодибековлар қаби минглаб оилаларга қувонч олиб киргани, уларнинг ушаммасдек туюлган орзуларини ҳақиқатга айлантиргани, Умиджон сингари мурғак қалблар ярасини бутлай олгани билан олис келажакда ҳам аҳамиятини асло йўқотмайди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири



JAMOATCHILIK NAZORATI

Саидолим АБДУРАХМОНОВ

ТОРТҚИЛАНАЁТГАН АРАВА

манзилига қачон етади?

Ислохотлар, ўзгариш ва янгиланишлар, шубҳасиз, халқнинг турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатиши керак. Президентимиз жорий йил 29 мартда имзолаган “Обод қишлоқ” дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорнинг мақсад-моҳияти ҳам шунга қаратилган.

Дастурга Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида учта — “Қўғай”, “Гулистон” ва “Исломобод” маҳаллалари киритилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 33,6 миллиард сўм. Шундан 10,7 миллиарди маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланиши кўзда тутилган. Хўш, қолган харажатлар-чи? Қуйидаги мулоҳазаларимиз шу ҳақда.

Гапни энг қайноқ нуқта — “Қўғай” маҳалла фуқаролар йиғинининг Дўстлик (4), Мустақиллик (1), Й.Атабоев (1), С.Усмонова (1) ва Мехрибод (1) кўчаларида жойлашган саккизта кўп қаватли уйда олиб борилаётган ишлардан бошлаш.

Мазкур уйларида 64 хонадон мавжуд. Уларнинг ҳозирги аҳолиси жуда ачинарли: сув ва газ йўқ, томлар очик, канализация тармоғи тортилмаган, бузиб ташланган ноқонуний қурилышларнинг қолдиқлари тулик ташиб кетилмаган. Йўллар, гуҳоналар-ку аслида ҳам бўлмаган. Бир сўз билан айтганда, атроф ваيران.

Дастурга кўра, уйлarning томи янгиланади. Қолаверса, фасад ва кириш йўллари таъмирланади. Улар атрофида бешта намунавий лойиҳадаги тандирхона, яна шунча ташки ҳожатхона, учта болалар майдончаси қурилади. Хўш, кимнинг ҳисобидан?

Бари маҳаллий бюджет ҳисобидан. Фақат йўлак ва фасадлар билан боғлиқ ишлар ҳомиёларга бўлиб берилади. Томни эса, уй эгаларининг ўзи ёпиши керак. Аммо...

Одамларга ҳам ҳайронсан. Ободлик ўз оёғи билан оstonанга келиб турса-ю, уни хурсандчилик, кўтаринкилик билан кутиб олиш малол келадими. Ажаб, халқимизнинг елка туттиш, ҳашар

сингари азалий одатлари қаерда қолади?

Таассуфки, “Қўғай”-да жорий йилнинг 7 май кунидан бери аҳвол шу. Ростки, бу ерда кузатишган манзара “Оққуш, чўртанбалик ва қисқичбақа” ҳақидаги машҳур масални ёдга солади. Бюджет — оққуш, осмонга ўрлайди-ю, жараённи тепадан туриб кузатади. Иккони борича ўзига тегишли ишни ҳам бошқаларга қилдиради. Чўртанбалик — ҳомийлар, сувга бир шўнгиса-ю, лекин ундан куруқ чиқса. Бу пайтда ё савалайдиган дўл-ёғир, ё ёндирадиган куёш ўтиб кетса бўлган. Улар учун энг фойдали нақл — болта тушгунча, кунда дам олар. Энг афзал қоида — миҳнинг учи ҳам, кети ҳам бўлма, ўртаси бўл! Сафда эканнинг уни ҳоким кўрса бас!

Табир жон бўлса, масалаги қисқичбанинг аҳволини бу жойда яшаётган одамларнинг аҳволига менгизган бўларди. Чўчки арава ўрнидан силжишидан, аввало, улар манфаатдор. Шунинг учун даставвал ўзлари уйғониб, ҳаракатга келиши керак! Бу гап, айниқса, ёшларга тегишли. Ҳозирги шиддатли ислохотлар даврида локомотив бурғулари уларнинг қўлига ўтиши шарт ва зарур!

“Обод қишлоқ” дастурида, шак-шубҳасиз, ёшлар манфаати биринчи навбатда ифода топиши, бу имкониятлардан улар унуми фойдаланиб қолиши лозим. Аммо имконият осмондан чаллақ бўлиб ёғмайди, унга эришиш керак. Маҳаллий ёшлар ташаббус кўрсатса, қалбада озгина дахлдорлик ҳисси уйғонса, ҳозирда шунчалик муаммо тугайраётган фасаду томлар таъмири, намунавий лойиҳадаги тандирхона,

ҳожатхона, болалар уйингоҳларининг қурилиши ҳеч гап бўлмай қолади. Ҳудудга тоза ичимлик суви ҳам, бошқа тармоқлар ҳам келадими. Қарабсизки, одамларнинг ҳаёти ижобий томонга ўзгара бошлайди.

Ҳар ҳола биз шу ўйда эдик. Сафаримиз чоғида худди шундай кайфиятдаги инсонларни учратишни жуда-жуда истардик. Афсуски, бунинг акси бўлиб чиқди.

— Ўз кўзимиз билан кўрдик, — дейди кўп қаватли уйда яшайдиган фуқароларнинг бир гуруҳи. — Тошкентдан текширувчилар келадиган бўлди-ю, ҳокимиятдагиларнинг пайтавасига кўрт тушиб қолди. Қўшни “Истикбол” маҳалласининг Андижон ва Ҳамида Олимжон кўчаларида бизнинг “дом”имиз аҳволидан ҳам баттар учта “дом” бор эди. Ҳаммасини бир сўмсиз, кредит-предитсиз битириб бериши. Бўларкан-ку?! Бизга ҳам уша гуруҳ келиб қолар!

Бу ажаб, бунчалик ҳам боқиманда бўлмасак! Наҳотки ўз уйимиз, кўча-

миз, атрофимиз ободлиги учун “Берсанг ейман, урсанг ўламан”, дейишдан орланмайдиган бўлиб қолдик?

Маълум бўлишича, дастур ижросига киришишдан аввал туман ҳокими Азимжон Ваҳобов одамларни хайрихоҳликка даъват этиб, ҳужжатнинг моҳияти ва имкониятлари ҳақида гапириб берган, оғирликнинг бир қисmini аҳоли зиммасига тушиши ҳақида ҳам оғоҳлантирган. Шунга кўра, битта томни ёпиш харажатлари 53 миллион 600 минг сўм ҳисобланиб, ҳар бир хонадон ҳиссасига ўртача 6 миллион 700 минг сўм тегиши белгиланган эди. Керакли маблағни топиш имкониятини енгиллаштириш мақсадида туман банкларига имтиёзли кредит ажратиб тавсия этилган.

Бор гап шу. Маҳалла фуқароларининг ҳаммаси ҳам бировнинг қўлига қараб қоладиган одамлар эмас. Улар орасида тузук-куруқ мулкдорлари, тадбиркорлари бор. Аммо ўзаро оқибатнинг етишмаси тўғрисида, жараён секинлашиб, бүгунги



иш эртага қолмоқда. Янада аниқроқ қилиб айтганда, 75-80 кун давомида саккизта уйдан фақат биттаси қўлдан чиқди, холос.

Тавкиллаш жоизки, “Қўғай” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган еттита кўчасига шағал ётқизиш якунланди. Хонадонларга тоза ичимлик суви олиб келинди. Электрлаштириш ва ёритиш ишлари ҳам поёнига етди. Айниқса, 120 та хонадонга суюлтирилган газ баллонлари тўлдирилган ҳола етказиб берилган одамларни беҳад қувонтирди.

Бироқ уларни ташвишга солаётган бошқа ижтимоий муаммоларга қанчалик эътибор қаратиляпти? Биз маҳалла аҳли билан сўхбатлашиш асосида шу савоалга ҳам ойдинлик киритишга уриндик.

— Газ баллонимиз бор, аммо қарийб икки ойдирик, уни алмаштира олмаёямиз, — дейди худуддаги уюшмаган ёшлардан бири Маъмуржон Омонов. — Газ қуйиш шохобчаларида 1 босим атмосфера пропаннинг баҳоси — 4 минг сўм. Бу ҳам майли, шу кунларда

1 кило гўшнинг таннархи 36 минг сўмга чиқди. Уй шароитида чорва моли боқай десанг, 1 кило кунжара — 2 минг 800 сўм. Шу йил томорқаларга Россиядан келтирилган картошка уруғи 7 — 7,5 минг сўмга сотиб олиб экилади. Бир қоп азотли (карбомид) ўғитнинг баҳоси эса, 130-140 минг сўмдан тушгани йўқ. Бу 1 кило 2600-2800 сўм дегани, устига устак, бир литр дизел енигағиси 5 минг 500 сўмга чиқиб кетди.

Бозордаги сара картошканинг 1 килограммини минг сўмга оласиз. Албатта, маҳсулотнинг арзон бўлгани яхши, аммо ўғит, ёқилги ва кунжаранинг нархи қачон арзонлашадими? Бу масалада бизга ким тайинли гап айтди? Бир ишнинг бошини тутай десанг, бугун у бор, эртага эса, йўқ. Масалан, айна вақтда “Қўғай”да “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида ишлар қалашиб ётибди. Лекин бирон корхонага бориб кўринг-чи, ишга олармикан? Расман олмайдими, лекин норасмий тарзда ишга ёллаши мумкин. Тўғри, ёшлар ҳақида кўп қайғуриммоқда. Шундай эса-да,



лардимизни кимга айтишни билмаймиз. Шахсан мен кредит олоқчиман, лекин бу борада ким менга ёрдам беради?!

Дарҳақиқат, “Қўғай” маҳалласида 2 минг 339 нафар аҳоли яшайди. Уларнинг 1 минг 500 нафардан зиёди ёшлар. Минг нафардан зиёди ишсиз. Маҳалла маъмурилари берган маълумотда эса, бу рақам 153 нафарни ташкил қилади, холос. Боз устига, айна кунларда олтидан зиёди йигит-қиз четда юрибди. Жорий йили олти нафари қишлоққа қайтди. Аммо уларнинг ҳеч бири иш билан таъминланмаган.

— Маҳаллагиз ҳоким секторида қараркан, — дея “Қўғай” МФЙ раиси Зоҳиджон Азизовга юзланамиз. — Шу яқин фурсатларда бирон бир ёшнинг муаммоси ҳал этилгани тўғрисида тайинли мисол келтира оласизми?

Таассуфки, саволимиз очик қолди.

Биз дастурга тушган “Гулистон” маҳалласида ҳам бўлди. Маҳалла аҳли билан учрашиб, сўхбатлашдик. Улар Тинчлик кўчасида яшовчи Муҳаммад Отабоев, Нилуфур Мирзаакбарова, Дилфуза Сайдуллаевага

учинчи сектор масъуллари, Аҳрорбек Абдуразақов, Аҳмаджон Дадаҳужаев ҳамда 1 гуруҳ ногирони Олимжон Аҳмаджоновга туман ички ишлар бўлими бошлиғи томонидан имтиёзли кредит олишда кўмаклашилгани, Ҳилола Руфиқовага эса, сўнгги русумдаги тикув машинаси ҳадя этгани, кам даромадли бешта онага газ плита ва баллонлари олиб бергани, қолаверса, маҳалланинг 84 хонадонига биттадан газ баллони тарқатилганини маълумият билан айтиб ўтди. Бироқ...

Тинчлик кўчасида уч-тўртта симёғоч ўрнатиш пайсалга солинмоқда. Шунингдек, ўн икки кўчанинг биронтасида тоза ичимлик суви йўқ. Аслида тўрттадан кўчага хизмат кўрсатувчи кўтарма насос (башня) қўйилса, муаммо ечилади. Яқинда адлия идорасидан бир гуруҳ назоратчи келганида уч-тўрт кун башня ишлар, тўртта кўчадан бинойидек сув чиқиб қолди. Улар кетиши билан сув яна тўхтади.

Тумандаги “Қишлоқичим-ликсувтаъминот” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Манзура Азимова билан телефон орқали боғландик. Натijasиз.

Шундан сўнг “Гулистон” маҳалласидаги 28-умумтаълим мактабига бордик. Вақт тушликдан оққан, дастур доирасида таъмирланаётган бино йўлакларига солинган эски-туски кўрпачаларда чамаси ўн икки нафар навраста қотиб ўхларди. Маълум бўлишича, бу ёшлар “Ҳамзақурилиш-савдо” хусусий корхонаси томонидан ёлланган. Улар мактаб томининг ҳар бир шиферини 20 минг сўмдан ёпиб беришга байлашиб, ишлашга тинганини айтди. Ажабланишарис, мазкур қурилишда шу “уста”лардан бўлак ишчи йўқ.

Худуддаги ободетга тушган яна бир дебютир 35-мактабга таълим муассасасидаги аҳвол ҳам айтарли фарқсиз.

Хуллас, Президентимиз билан бошланган хайри ишларнинг Учқўрғон туманидаги мароми ва сифати ўз кўрсаткичида, деб бўлмайди. Вазият тезроқ ўнганмас, халқнинг ишончидан мосуво бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Бунга эса, асло йўл қўйиб бўлмайди. Биз мавзуга яна қайтаемиз.

IMKONIYAT

Улуғбек РҲИММАТОВ

Чуст туманининг “Бованда” маҳалласида истиқомат қилаётган Мадина Зайилдинова болалигидан чеварлик соҳасига қизиқади. Бироқ оиласининг моддий аҳволи танглиги сабаб анчадан буюн тикув машинасига эришолмаётган эди. Бу борада унга ёшлар иттифоқи ёрдам қўлини чўзди.



КўМАК АСҚАТДИ

— Ота-онам мавсумий ишлар билан шугулланади, — дейди тенгдошимиз. — Топганлари рўзгордан ортмайди. Мен эса, ишлашни хоҳлайман. Иттифоқ кўмаги билан бу муаммо тезда ҳал бўлади. Энди тикувчилик қилиб,

рўзгорга қарашаман. Шундай ташаббус Поп туманида ҳам амалга оширилди. Ёшлар ташкилотининг маҳаллий кенгаши жисмоний имконияти чекланган Мадина Насриддиновага ногиронлик аравачасини тақдим этди.

BUGUNNING GAPI

БИР КАФТГИНА ТУПРОҚ БЕРДИМ...

Хонбиби ҲИММАТ ҚИЗИ

Тошкент давлат шарқшунослик институтида таҳсил олаётган танишим Моҳиша малака оширгани Малайзияга бориб келди. У ўз таассуротлари ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Малайзияга боргач, икки кун ўтиб бозор айлангани чиқди. Тўсатдан бир аёлга кўзим тушиб, қалбим энтиқиб кетди. Юзи жуда ҳам таниш, уни илгари қаердадир кўргандекман. Дугонам билан ўзбек тилида сўзлашаётганимизни эшитиб, аёл дарҳол бизга яқинлашди.

— Қизим, ўзбекистонликмисиз? — сўради кўзлари чакнаб.

— Ҳа. Бу ерга бир ойга малака ошириш учун келганим, — дедим унинг она тилимизни билганига ажабланиб.

— Хайрият, ватандошларимни ҳам кўрадикан кун бор экан! Энди бизникида меҳмон бўласизлар, — деди аёл севинч ёшларини яширолмай.

Дугонам менга қаради. Мен эса, “тушунмадим” маъносига елкамини қисиб қўйдим. Хуллас, ватандошимизнинг ҳурмати учун машинасига ўтирдик.

Машина ҳашаматли уй қаршида тўхтади. Дарвоза олдида бизга қош-қўзи қоп-қора, юзи худди сутга чайиб олингандек оппоқ бир қиз пешвоз чиқди. Қўлини кўксига қўйиб, салом берди. Аёл бизни меҳмонхонага бошлаб, қизига буюрди: — Ватандошларимиз келди, тез чой олиб кел! Бир пиёла чой устида хонадон соҳибаси билан танишдик. Исми Бибисора экан. У ҳам шарқшунослик институтида ўқиб, бир пайтлар иш юзасидан Малайзияга келиб, қолиб кетибди.

Ҳамюртимиз уйдаги тўқинликни кўриб, тўғриси, ҳавасин келди. Аяжоним тандирда ёпиб берган нондан бир донаси қолганиди. Тушликда ермиз, деб пакетга солиб қўйгандим. Ушани олиб, мезбонга тутқаздим.

Аёл бир зум термулиб қолди. Кейин қўллари титраганича нонни кўзла-

рига суртиб, ўпди. Унинг кўзларида ёш гилтиллари. Ўртага сукунат чўмди. Сўнг аёл тилга кирди:

— Онажоним тандирда ёпиб берадиган кўчаларни соғиндим. Афсуски, у киши энди орамизда йўқ. Сўнгги сўзларини эшитиш армон бўлиб қоли, — деди-ю, Бибисора опа ҳўнраб йиғлаб юборди. — Сизлар ҳеч қачон чет элда яшашни орзу қилмангилар. Чўчки бир умр она Ватан ва унинг муқаддас тупроғини соғиниб, илҳақ бўлиб яшар экансиз. Худода шўқр, ҳаётимдан нолимайман. Малайзияга келиб, турмуш кўрдим. Ҳўжайиним жуда одаммухун, меҳрибон ва галмхўр инсон. Фарзандларим шу ерда туғилиб, вояга етди. Онам мени кўз ёш билан Малайзияга узатганди. Мен бўлсам, парво қилмаганим. Дастлаб йилда бир маротаба ота-онамни кўргани бориб турдим. Кейин эса фарзандларга

ураллашиб, вақтида улардан хабар ололмадим.

Ешим ўтган сари Ватан соғинчи дилимни тобора ўртаб бормоқда. Тошкентга борсам, Малайзияга қайтишим келмайди.

Киндик қонинг тўқилган жой барибир азиз бўлар экан. Умр йўлаошимга: “Бир кун қаёқим етиб қолса, илтимос, мени Ўзбекистонга олиб бориб, ота-онам ётган Чигатой қабристонига қўйинг”, — дея бот-бот тайинлайман.

Бибисора опа билан узоқ сўхбатлашдик. Аёл шўраикнинг биз билан сира хайрлашгани келмади... Мен эса, унинг тимсолида Ватандан йироқ яшаган инсон ўзини барибир бахтиёр ҳис этолмаслигини англадим. Шу чоғда шоиримизнинг қуйидаги мисралари ёдимга тушди:

Билмай босиб
чумолини,
Гуноҳимга сўроқ
бердим.

Ватан не деб
сўрганларга,
Бир кафтгина тупроқ
бердим...

YOZ — 2018 Урганч шаҳридаги “Баркамол авлод” болалар маркази ёз кунларида ҳам гавжум. Бу ерда йигирмадан зиёда тўгарак фаолият олиб бормоқда.

Отаҳон РАҲИМ

КЕЛГАНЛАР АҚЛИН ЧАРХЛАР



Шахмат бўйича спорт устаси Мақсад Сапоевнинг машғулотларида фаол қатнашиб, соғирчон бўлди. Улар орасида Расулбек Абдуллаев, Жонибек Бахтиёр, Ибратбек Ражаббоев, Жаҳонгир Маримбоев, Шаҳриёр Шарипов каби иқтидорли спортчилар бор.

Айни пайтда йиғилар навбатдаги турнирларга қизинг тайёргарлик кўрмоқда.

— Ёзи таътил пайтида ҳам воҳамизда шахмат беллашувлари, маҳорат дарслари кўп ўтказилади, — дейди М.Сапоев. — Шахмат ақли чархлайди. У, айниқса, болаларнинг соғлом бўлиб ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Ота-оналарга мурожаатим шўки, фарзандларингизни болалигидан спортга ошно этинг, жисму тафаккурини чиниктиринг.

YOSHLIK ILHOMI

YANGI ERTAK

— Bir bor ekan, bir yo'q ekan. O'rmonda yolg'iz sher yashar ekan...
— Oyijon, yana shu ertakmi?! Boshqasini aytning.
— Nega, bolam?
— Bu ertakni yoddan bilaman.
— Yo'q, shuni eshitasan!
— Nega?

— Men boshqa ertak bilmayman, o'g'lim.
— Bo'ldi, olindi! Hammaga rahmat, — deya tanqidiy ko'rsatuvga yakun yasadi jurnalist. Uyg'a qaytar chog'ida u do'kondan birinchi marta ertak kitobi olishni ham unutmad.

OCHIQ QOLGAN ESHIK

Yomg'ir savalatogani uchun uni tashqarida qoldirishga ko'ngli bo'lmadi. Qorovulxonaga eshigini sekin ochib, chaqaloqni gilam ustiga qo'ydi. Qorovulning yo'talganidan cho'chib ketdi.

"Xayriyat, keksa odam ekan", deb o'yiladi ayol.
— Iltimos, eshikni yoping, — dedi chol sharpa tomonga burilib. — Shu hafta ichida uch marta ochiq qoldirib ketishibdi.

SALOMATLIK SURLARI

Saxovatli zaminimizda pishib yetilgan turfa noz-ne'matlarning ta'mi tilni voradi. Shifobaxshligini aytmaymizmi? Quyidagi ma'lumotlar ana shu haqda.



OSHQOVOQ

Buyrakda tuz to'planishiga yo'l qo'ymaydi. Qovurilgan urug'i ovqat hazm bo'lishini yengillashtiradi. Yo'tal tutganda esa, tolqoni suv bilan ichib yuborilsa o'pka tozalanadi. Maydalangan oshqovoq urug'i non tolqoniga aralashtirib iste'mol qilinishida yuzni tiniqlashtirib, soch va kiprikni mustahkamlaydi.

Asabni tinchlantiruvchi, charchoqni chiqaruvchi, kayfiyatni ko'taruvchi va chanqoq-bosdi xususiyatlarga ega. Xotirani yaxshilashga ham yordam beradi. Uni ovqatdan 30-50 daqiqa keyin iste'mol qilish lozim.

Nok past kaloriyalidir. Shu bois parhez jarayonida ortiqcha vazn va xolesterindan qutulishga yordam beradi.

Bundan tashqari, yurak-qon tomir tizimini tetiklashtirib, buyrak va peshob pufagi yallig'lanishi, ichak saratonining oldini oladi. Jigar, qandli diabet va semizlik kasalliklarida kuniga 3-4 dona yaxshi pishgan nokdan tanovul qilish foydali.

NOK

Ma'mura XO'JAULOVA tayyorladi.

DIQQAT, E'LN!

"Trade consult service" MCHJ tomonidan "Yoshlar ovozi" gazetasi 2018-yil 19-may sonida chop etilgan reklama e'lonidagi "yuqoridagi mulklar 2018-yil 20-iyun kuni sotilmay qolgan taqdirda takroriy auktsion savdolari 30-iyun, 10- va 20-iyul kunlari soat 15:00 da o'tkaziladi" jumlasini "yuqoridagi mulklar 2018-yil 20-iyun kuni sotilmay qolgan taqdirda takroriy auktsion savdolari 30-iyun, 16- va 26-iyul kunlari soat 15:00 da o'tkaziladi" deb o'qilsin. Shuningdek, "Trade consult service" MCHJ "Yoshlar ovozi" gazetasi 2018-yil 28-iyun sonida joylashtirilgan reklama e'lonidagi auktsion savdolari vaqtincha to'xtatilishini ma'lum qiladi.

Qo'shimcha ma'lumotlarni Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Bo'z-2 ko'chasi, 69-uy manzili yoki +998 95 169 55 50 telefon raqami orqali olish mumkin. Guvohnoma № 011315

HAYOT CHARXPALAGI

Daryo


(bo'lgan voqea)

Darsdan qaytib, shosha-pisha kiyimimni almashtirdim-da, yarimta non, bir kosa qatiqni paqqos tushirib, bolishga boshimni qo'ydim. Qani endi uxlay olsam, lahza o'tmay jo'ralarim: "Ali, Alijon!" — deb chaqirdi.

Deyarli har kunim shunday o'tadi. Ertalab darsga boraman, o'qishdan kelib, tushlik qilgach, jo'ralarim bilan dashtga mol boqqani ketaman. Qosh qoraya boshlagach, uyg'a kelib kechki ovqatni yeyar-yemas ko'zim ilinadi. Har bir kunim quvosh harakati kabi o'tadi (faqat dam olish kunlari kun bo'yi dashtda bo'lam). Boshimga kepkamni bostirib, og'iltxonaga yo'l olaman. Shalpanquloq "do'stim" ham o'rganib qolgan,

meni ko'rishi bilan o'rmidan qo'zg'aladi. Qo'limdagi xalacho'pni baland ko'tarib, xuddi sarkardalardek Tovqar'ga (itimi erkalab shunday atayman) ishora qilaman — qani ketdik!
Govmishlarimni ham o'ziga moslab nomlaganman. Doimgidek birinchida Olabosh qo'mondon laqabli ulkan sigirim yo'lga o'tlanadi, orqasidan Qaysarbek, Quvnoqoy, Bilmasvoy erinibgina ergashadi.

Sanjar ESHMURODOV



Yo'ldan baqiroq ko'ppaklar chiqadimi, yo bo'lmasa birona ho'kiz Qaysarbekka shoxini tiraydimi, xullas, Olabosh doim qolganlarni himoya qiladi. Jo'ralarim bilan zerikmayman. Xalacho'plarimni o'ynatib qilichbozlik qilamiz yoki ulovimiz bilan "Poyga", "Chillak", "Mind" o'ynaymiz. Vaqt bir zumda o'tib ketadi. Qishlog'imiz chekkasidan Qashqadaryo oqib o'tgan. Uyg'a ketish oldidan sigirlarni sug'oramiz.
Ma'rayverib toqatni-toq qilgan jonivorlar suv yoniga borib jim bo'lib qoldi. Odatda ular daryoni yutib yuborgudek simirardi. Bugun tushug'ini ham botirmayapti. Bir balo bo'lgani aniq, daryo bo'yidagi

tepalikdan sekin pastga endik. U yerdan allaqanday ovoz eshitildi. Yuragim shuv etib, nafasim bo'g'zimga tiqilib qoldi, qattiq yutindim. Yonimdagilarga qarash, jo'ralarim ham shu ahvolda. "Shoqol... shoqol bo'lsa kerak", — dedi ulardan biri. "Yo'g'e, shoqol kunduzi yurmaydi", — deymen bilag'onlik qilib.

— Ali, bor qara-chi nima ekan? — dedi do'stim pastdan ko'zlarini uzmay.

— E, nega men...
Hech birimizning yuragimiz dov bermasdi. Joyimizda qotdik. Olabosh qo'mondon ovoz kelayotgan tomonga yurib, qolganlardan ajraldi. So'ng to'xtadi. Nimanidir bir-ikki aylanib yotib oldi. Birozdan keyin ovoz bosildi.

Qo'rqa-pisa Olaboshning yoniga bordik. Qarasak, oppoq yo'rgakka o'ralgan chaqaloq yig'layverganidan qizarib ketibdi. Shamol bir parcha go'shtga aylanib qolgan chaqaloqning badanini yalang'ochladi. Dir-dir titrayotgan tanada son-sanoqsiz chumolilar o'rmalardi. Go'dakni ko'rib sigiri haydamoqchi bo'ldim, ammo u o'z tanasi bilan quyoshni to'sib, uzun tili yordamida chaqaloqqa yopishgan chumolilarni terayotganini ko'rib shashtimdan qaytdim.

Tilimizni yutib yuborgandek jim tikilib qoldik. "Qiz bola

ekan", — deya o'rtadagi suknatni buzdi jo'ralarimdan biri. Endi nima qilamiz, ma'nosida bir-birimizga qaradik. Xullas, jo'ralarim mollarimni haydab ketadigan bo'ldi. Men esa, chaqaloqni Adham fermerning chaylasiga olib bordim. U go'dakni ko'tarib, traktoriga mindi-yu, shifoxona tomon yo'l oldi.

Uyg'a borgach, ko'rgan-kechirganlarimizni bobomga aytib berdim. U bir nuqtaga tikilib jim tingladi. Hatto "Chaqaloq qanday daryo yoqqasiga kelib qoldi?", "Onasi rosa qidirayotgandir-a, bobojon?", "Uni kim bu yerga olib kelgan?" kabi savollarning ham javob bermadi. So'ng og'ir xo'rsinib: "Ha, bu ko'zi o'ynoqi tulki yoki xudo urgan itning ishi bo'lsa kerak, bolam", — dedi-yu hassasini olib tashqariga chiqib ketdi.

Ertasiga bobom bilan shifoxonaga bordik. Chaqaloq jonlantirish bo'limida ekan. Shifokor uni tuzalgach bolalar uyiga topshirilishini aytdi. Chaqaloqni men topganimni eshitib, boshimni siladi va "Unga ism qo'yishim mumkin", — dedi. Bolani Daryo deb nomladim. Turishga chog'langan bobom o'zillarini duoga ochdi: "Ilohim, dardlari suvga oqib ketsin. Daryodek toshqin, to'g'ri bo'lsin, omin...".

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Yo'l-transport hodisasi sodir bo'lganda haydovchining majburiyatlari nimalardan iborat? Shu haqda ma'lumot bersangiz.

Malik SIDDIQOV
Toshkent shahri



Savolga huquqshunos Bahrom ILHOMJONOV javob beradi:

— O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 24-dekabrda 370-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Yo'l harakati qoidalariga ko'ra, yo'l-transport hodisasi sodir bo'lganda unga daxldor bo'lgan haydovchilarning quyidagilarni bajarishi shart:

— transport vositasini darhol to'xtatishi, avariya ishoralarini yoqishi va avariya sababli to'xtash belgisini o'rnatishi, transport vositasini va hodisaga daxldor buyumlarni joyidan qo'zg'atmasligi;
— shikastlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish choralari ko'rishni, tez tibbiy yordam va favqulodda qutqaruv xizmatlarini chaqirishi, shoshilinch hollarda esa, shikastlanganlarni yaqin oradagi davolash-profilaktika

muassasasiga yo'l mashinasida jo'natishi, buning imkoni bo'lmasa, o'z transport vositasida olib borishi, u yerda o'z ism-sharifi, transport vositasining davlat raqami belgisi haqida axborot berishi (o'z shaxsini tasdiqlovchi hujjatni yoki haydovchilik guvohnomasini va transport vositasining ro'yxatdan o'tganlik hujjatini ko'rsatishi), shundan so'ng voqea ro'y bergan joyga qaytib kelishi;

— agar boshqa transport vositalarining harakati to'sqinlik qilsa, qatnov qismini bo'shatishi. Qatnov qismini bo'shatish yoki shikastlanganlarni o'z transport vositasida davolash-profilaktika muassasasiga olib borish zarur bo'lganda, yo'l-transport hodisasiga daxldor haydovchilar, avvalo, transport vositasi, hodisaga aloqador buyumlar va izlarning holatini guvohlar ishtirokida dastlabki qayd etishni amalga oshirishi, ularning yo'qolmasligi va voqea ro'y bergan joyi aylanib o'tishni tashkil qilishning barcha choralarni ko'rishni;

— avariya haqida ichki ishlar organlariga xabar berishi, guvohlarning ism-sharifini va yashash manzilini yozib olib, ichki ishlar organlari xodimlarining kelishini kutishi. Shuningdek, agar yo'l-transport hodisasida shikastlanganlar bo'lmasa va haydovchilarning hodisaga baho berishda o'zaro kelisha olsa, dastlabki hodisa chizmasini chizib, uni imzolab, yaqin oradagi davlat yo'l harakati xavfsizligi xizmati maskani yoki ichki ishlar organlariga borishi mumkin.

BILIB QO'YGAN YAXSHI

KUN URISHIDAN SAQLANING!

Yozning chillasi sillani quritmoqda. Ayni vaqtda issiqdan saqlanish choralari ko'rilmasa, organizmimizga ziyon yetishi hech gap emas.

Shu kunlarda bosh og'rig'i, bosh aylanishi, og'izning qurishi, holsizlik kabi shikoyatlar quloqqa ko'p chalinmoqda. Bilingki, bu kun urishidan dalolat. Quyosh tig'i ostida qolgan insonda odatda, yuz qizarishi, ko'krak qafasida og'riq kuzatilib, yurak urishi va nafas olish tezlashadi.

Xo'sh, yuqoridagi noxush holatlardan qanday saqlanish mumkin? Issiq kunda iloji boricha tez-tez dush qabul qilib, ko'p miqdorda suv iste'mol qiling. Soat 12:00 dan 16:00 gacha ko'chaga chiqqanlarni ma'lum qiling.

Chiqqan taqdirda ham quyoshdan saqlovchi kosmetika vositalarini tananing ochiq qismlariga surtib olish, ochroq, eng yaxshisi, oq rangli, tabiiy tolalarda to'qilgan va havo o'tkazadigan kengroq liboslar kiyish, boshni issiqdan saqlash ayni muddao. Shlyapa va yozgi soyabonlar bizga katta yordam beradi.



Tanangiz qizib ketsa, ro'molchani muzdek suvda namlab, peshonangizga bosishni tavsiya qilamiz. Shunda o'zingizni biroz yengil his qilaysiz.

Muqaddas MUSAYEVA tayyorladi.



She'r-tasvir muallifi: Jahongir MIRZO.

QAYIQNI YAMASHGA KO'P VAQTIM KETAR, SUZISHNI BILGANING, QO'LINGNI KO'TAR!..

"TRADE CONSULT SERVICE"

mas'uliyati cheklangan jamiyati

2018 yil 24 avgust kuni soat 15:00 da boshlang'ich bahosi bosqichma-bosqich oshib borish tartibida o'tkaziladigan ochiq auktsion savdosiga taklif etadi!

"SOG'LIQNI SAQLASH BOSH BOSHQARMASI MAKSUS AVTOXO'JALIGI" DAVLAT MUASSASASI hisobida bo'lgan quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

1994-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/313YBA bo'lgan "DOGAN S". Boshlang'ich bahosi — 6 776 000 so'm.
1990-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/319YBA bo'lgan "M21412". Boshlang'ich bahosi — 2 030 824 so'm.
1990-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/856CCA bo'lgan "M21412". Boshlang'ich bahosi — 2 140 464 so'm.
1989-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/470CCA bo'lgan "M21412". Boshlang'ich bahosi — 2 030 824 so'm.
1991-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/853CCA bo'lgan "M21412". Boshlang'ich bahosi — 2 128 550 so'm.
1987-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/356YBA bo'lgan "M21401". Boshlang'ich bahosi — 1 397 628 so'm.
1990-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/453CCA bo'lgan "M21412". Boshlang'ich bahosi — 2 140 464 so'm.
1990-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/315YBA bo'lgan "M21412". Boshlang'ich bahosi — 2 030 824 so'm.

Yuqoridagi mulklar 2018-yil 24-avgust kuni sotilmay qolgan taqdirda takroriy auktsion savdolari 4-, 14- va 24-sentabr kunlari soat 15:00 da o'tkaziladi.

Talabgorlardan arizalar ish kunlari soat 9:00 dan 18:00 gacha quyida ko'rsatilgan manzilda qabul qilinadi. Arizalarni qabul qilish auktsion savdosi boshlanishidan 1 (bir) ish kuni oldin soat 15:00 da to'xtatiladi. Auktsion savdosida ishtirok etish uchun talabgorlar

"Zakalat puli to'g'risidagi kelishuv" ni imzolagandan keyin avtotransport vositasi boshlang'ich bahosining 15 (o'n besh) foizidan kam bo'lmasan miqdorda zakalat pulini "Trade Consult Service" MCHJning ATB "Turonbank" Yashnobod filiali, MFO: 01083, STIR: 304454706, 20208000800701688001 hisob raqamiga to'lashi va quyidagi hujjatlarni topshirishi kerak: auktsion savdosida qatnashish uchun yuridik shaxslardan

davlat ro'yxatidan o'tkazilgani to'g'risidagi guvohnoma nusxasi, agar vakolatli shaxs qatnasha, o'rtalangan tartibda rasmiylashtirilgan ishonchnoma, uning shaxsini tasdiqlaydigan hujjat ilova qilingan holda; jismoniy shaxslardan pasport nusxasi, agar vakolatli shaxs qatnasha, o'rtalangan tartibda rasmiylashtirilgan ishonchnoma, uning shaxsini tasdiqlaydigan hujjat ilova qilingan holda, zakalat puli to'lagani haqida to'lov qog'oz.

Qo'shimcha xizmatlar ko'rsatish uchun to'lov olinadi. Qo'shimcha ma'lumotlarni Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani, Bo'z-2 ko'chasi, 69-uy manzili yoki +998 95 169-55-50 telefon raqami orqali olish mumkin. Guvohnoma № 011315.

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQLI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir
Karimov Faxriddin Turdalievich

TAHRIR HAY'ATI

Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyeov, Azim Mirzajonov, Nodir Abdugodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").

Dizaynerlar

Abdullayev Xurshid
O'ktamjonovich
Norboyev Jamoliddin
Jumanazar o'g'li

Navbatchi

Javlon Vafoyev

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahriyati ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.



Quyidagi o'qish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skan qiling.



Gazeta materiallari tahriyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahriyati manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonasi manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203
Baxosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-736
Adali — 12955

Bosilgan topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 22.30
O'zA yakuni — 21.15

O'fset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5